

ҲАКИМОВ Азизхон Асрорович

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
ўқитувчиси

АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ АТАМАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ

НАУЧНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ТЕРМИНОЛОГИИ В АРАБСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

SCIENTIFIC STUDY OF TERMS IN ARABIC LINGUISTICS

Аннотация. Ушбу мақолада араб тилшунослигида атамашунослик фанининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва унинг илмий аҳамияти атрофлича таҳлил қилинади. Атамаларнинг сарф ва наҳв фанлари билан узвий боғлиқлиги, уларни билиш араб тилини чуқур ўзлаштиришда ҳал қилувчи омил экани асослаб берилади. Шунингдек, атаманинг илмий тушунча сифатида вужудга келиши, унинг лугавий ва шаръий маънолари ўртасидаги фарқлар ёритилади. Мақолада Куръони карим, исломий илмлар, калом ва наҳв илми доирасида илк атамаларнинг пайдо бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Араб тилида атама яратиш усуллари — иштиқоқ, қиёс, мажоз, таъриб, наҳт ва генерация каби воситалар илмий мисоллар асосида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Араб тилшунослиги, атамашунослик, атама яратиш усуллари, сарф, наҳв, ислом цивилизацияси, Куръони карим.

Аннотация. В статье исследуются процессы формирования и исторической эволюции терминологии в арабском языкознании в широком научном и культурном контекстах. Особое внимание уделяется терминоведению как одному из ключевых направлений теоретической и прикладной лингвистики, а также его тесной взаимосвязи с дисциплинами сарф и нахв. Обосновывается значимость точного понимания структуры терминов, их семантической определённости и минимизации многозначности в научной коммуникации. В работе анализируется влияние Корана и исламских наук на становление

раннего терминологического аппарата, а также трансформация общелексических значений слов в специализированные религиозные и научные понятия. Рассматриваются основные способы терминообразования в арабском языке, включая аффиксальное словообразование, аналогию, метафору, арабизацию, словосложение и лексическую деривацию.

Ключевые слова: Арабское языкознание, терминология, терминообразование, морфология, синтаксис, Коран, исламская цивилизация, семантическое развитие, академии арабского языка.

Abstract. This article examines the formation and historical development of terminology in Arabic linguistics within its scientific and cultural context. Special attention is given to the role of terminology as an essential component of applied and theoretical linguistics, particularly in relation to morphology (*ṣarf*) and syntax (*naḥw*). The study highlights the importance of understanding terminological structures, semantic precision, and the elimination of ambiguity in linguistic research. Furthermore, the article explores the emergence of early Arabic terms through the Qurʾān and Islamic sciences, emphasizing the transformation of lexical meanings into specialized religious and scientific concepts. Various methods of term formation in arabic—such as derivation, analogy, metaphor, arabization, compounding, and lexical generation—are analyzed as key mechanisms in the expansion of scientific vocabulary.

Keywords: Arabic linguistics, terminology, term formation, morphology (*ṣarf*), syntax (*naḥw*), Qurʾān, Islamic civilization, semantic development, Arabic language academies.

КИРИШ

Ҳар қандай фан соҳасининг ривож, аввало, унда қўлланиладиган атамаларнинг аниқлиги, барқарорлиги ва тизимлилиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, атамашунослик амалий ва назарий тилшуносликнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлади. Араб тили эса ислом цивилизацияси даврида илм-фан, тафаккур ва маданият тили сифатида юксак мақомга эга бўлиб, унинг илмий салоҳияти, аввало, мукаммал атамалар тизими орқали шаклланган. Сарф ва наҳв каби асосий лингвистик фанларни чуқур ўзлаштириш, шунингдек, исломий ва дунёвий

илмларни тўғри англаш атамаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ билишни тақозо этади.

Замонавий араб тилшунослигида аждодларимиз илмий меросида қўлланилган атамаларни ўрганиш нафақат тил тарихини тадқиқ этиш, балки бугунги кунда илмий терминологияни такомиллаштириш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки атамаларнинг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва яратилиш усуллари илмий асосда ўрганиш араб тилининг ички имкониятларини очиб беради ҳамда уни замонавий илм-фан талабларига мос равишда ривожлантиришга хизмат қилади. Шу боис мазкур мақолада араб тилшунослигида атамаларнинг вужудга келиши, уларнинг манбалари ва ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш мақсад қилиб олинди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Атамаларни ўрганиш фани доимо амалий тилшуносликнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган. Ҳозирги кунда аждодларимиз асарларидаги атамаларни ўрганиш замонавий араб адабиётининг асосий масалаларидан бирига айланди ва бу борадаги тадқиқотлар нафақат араб адабиёти, балки бутун Ислом цивилизацияси даврида вужудга келган кўплаб фан ва билим соҳаларига ҳам тааллуқлидир. Араб тилининг энг муҳим иккита структураси - сарф ва наҳв фани бўлиб, унинг сирлари ўлароқ атамаларни билмасдан туриб ўрганиб бўлмайди. Терминларни ҳар қандай изланишда тадқиқотчи биринчи навбатда атамаларнинг тузилишини кўриб чиқиши, уларнинг ҳосил бўлиши ва таркиби каби воситаларни очиб бериши, сўнгра ушбу атамаларнинг аҳамиятини ўрганиб, улар орқали юзага келган семантик фарқни аниқлаши ўта муҳим.

Араб тилшунослигидаги атамаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихий ва илмий контекстда чуқур аҳамиятга эга бўлиб, бу жараён тилнинг ўзи каби ривожланиб ва ўзгариб борган. Атама (المصطلح - الإصطلاح) илмий доирада маълум жамоа ёки қабиланинг махсус нарса ва тушунчаларга ном қўйишда бир тўхтамга келишилган иттифоқи бўлиб,

унда сўзларни тўлиқ қамраб оладиган маъно бериш билан бир қаторда асл лингвистикага ҳам эътибор қаратилади [1-49]. Атамага таржима, нутқ, санъат, наҳв, шеърят ва назм даври ривожлана бошланганда катта эҳтиёж туғилди, чунки илм-фаннинг турли соҳаларидаги маъноларни ифодалашга аниқ далолат қилувчи ҳамда тўлақонли қамраб олувчи сўз ва иборалар керак бўлди. Айниқса, билим зиёсини таратувчи инсонлар ҳамда у билан шуғуллана бошлаётганлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, зеро ўқувчи энг кўп муҳтож бўлган нарса — бу атаманинг икки маънолилигини йўқотишдир. Агар атама конкрет маълум бўлмаса, тушуниб етишда талайгина чалкашликлар юзага келиш турган гап.

Ислом дини пайдо бўлиши билан сўзларда катта ўзгаришлар юз бера бошлади, одамлар жоҳилият даврида ишлатилган кўп нарсаларни тарк этишди. Масалан, улар солиқни “اتوة” деб, порани “الحملان” ва “المكس” деб аташганини айтиб ўтиш жоиз [2-348]. Замонавий даврга келиб, араб миллати илмий уйғонишга гувоҳ бўлгани сабабли, янги атамаларни ўрнатиш осонлашди. Замонавий араблар қадимги воситаларга қайтиб, атамаларни ўрнатиш учун аниқ қоидаларни чиқардилар. Бу қоидалар тилнинг наҳв ва сарфини енгиллаштиришга ҳам қаратилган бўлиб, мақсад араб оламида атамаларни бирлаштиришга эришишдир. Араб тилининг ушбу ривожланиш воситалари унинг эгаларига миллий ўзликка ишонч ва шахсият билан фахрланиш туйғусидан келиб чиқиб атамалар яратиш имконини берди.

Атамаларнинг илк шаклланишида, албатта, Қуръони карим асосий манба бўлган, ундаги кўп сўзлар луғавий маънодан янги, шаръий маънога кўчирилган. Мутакаллимлар (Калом олимлари) эса атамаларга қизиққан дастлабки олимлардан бўлиб, улар амалда қўлланилган нутқдан исмларни ажратиб олишган ва араб тилида номи бўлмаган нарсаларни атай бошлашган, шу билан кейинги авлодлар учун асос ва намуна яратишган. Масалан, илк исломий атамалар Қуръони Каримдаги кўпчилик сўзлар луғавий маънодан янги шаръий маъноларга

кўчирилди (صلاة، زكاة، ايمان، نفاق). Грамматик (наҳв) атамаларининг пайдо бўлишида эса наҳвшунослар (грамматиклар), кейинчалик, ҳисобчилар (أصحاب الحساب) ўзаро тушуниш учун белги қилиб олган отларни ўрнатганлар. Ал-Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий (наҳв илмининг дастлабки асосчиларидан бири) эса шеърӣ вазнларга номлар қўйган.

Атамашуносликни илмий тартибга солишга қаратилган энг қадимий мурожаатлардан бири Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф Ал-Хоразмийнинг (вафоти 387 ҳ.й.) «Илмлар калитлари» (مفاتيح العلوم) асаридир, бу китоб ҳар бир олимлар томонидан ишланган тавсифлар ва атамаларни жамлашга қаратилган. Ал-Хоразмий арабий сўзларни ажнабийлардан фарқлаб, наҳв, аруз ёки балоғат илмларига оид атамаларни арабчада таснифлаган [3-4]. Бундан ташқари, наҳв атамалари тарихини ўрганишда Абул Ҳасан Али ибн Исо ар-Руммонийнинг (384 ҳ.й.) «كتاب الحدود» асари ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Манбаларда араб тилининг бой имкониятлари атама яратишда қандай қўлланилгани батафсил баён этилган. Олимлар ва тилшунослар атамаларни тузиш йўлида бир нечта воситалардан фойдаланганлар, уларнинг аксарияти араб тилининг ички имкониятларига асосланган:

الإرتجال – импровизация - сўзларни айна жараёнда ўйлаб топиш бўлиб, илгари тилда бўлмаган янги сўзларни яратишдир. Ибн Жинний «إختراع» араблар аввал билмаган бир исми ихтиро қилишлари деб таърифлайди [4-25].

الاشتقاق – этимология - сўзларнинг келиб чиқишини, манбаини ўрганишни англатиб, араб тилининг энг муҳим ривожланиш воситаси ҳамда бир ўзакдан турли маънодаги сўзларни ҳосил қилишдир. Қоҳирадаги араб тили академияси зарурат туғилганда исмлардан ҳам сўз ясашга рухсат берган.

القياس – аналогия - тил бирликларининг ўзаро қандайдир муносабат таъсирида вазифа ёки бошқа жиҳатдан ўхшашлиги бўлиб, маълум бир қолип асосида янги сўзларни ҳосил қилиш. Абу Усмон ал-Мозиний айтганидек: “Араб

каломига қиёс қилинган нарсанинг барчаси араб каломидандир”.

المنجاز – метафора - сўз ёки иборанинг ўз маъносидан бошқа, кўчма мажозий маънода ишлатилиши бўлиб, сўзни луғавий маъносидан бошқа бир маънога ўхшатиш йўли билан кўчиришдир.

التوليد – генерация – янги сўз ясаш бўлиб, арабча сўзларга замонавий ҳаётга мос янги маънолар бериш, масалан: سيارة — машина, جريدة — газета, هاتف — телефон шулар сирасидир.

التعريب – араблаштириш - чет эл сўзларини наҳвшунослар ва тилшунослар томонидан маълум бўлган усуллар билан араб тилига ўтказишдир. Таърибга фақат ўта зарур бўлганда мурожаат қилинган, шунинг учун ҳам уни «الاقتراض» деб ҳам аташади. Бу усул таржима билан шуғулланиш авж олганида, таржимонларнинг араб тилини мукаммал билмасликлари ва малакалари етмаганлиги сабабли уларга кўмак ўлароқ қўлланилган (масалан, «أريسماطيقي» — ҳисоб учун, «فيزيقي» — табиат илми учун). Бироқ, кейинчалик, таржима гуллаб-яшнагандан сўнг, олимлар кўплаб атамаларни яна ўзгартириб, уларни арабча қилганлар.

النحت – сўз қўшиб ясаш - икки ёки ундан ортиқ сўздан битта сўз ясаш, масалан: — بسم الله сўздан олинган. Гарчи баъзи олимлар бунини чекланган усул деб ҳисоблашса-да, замонавий илм-фандаги мураккаб тушунчаларни ифодалаш учун нахтдан фойдаланиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бироқ النحت қилинган сўз араб тилига мос бўлиши ва талаффузга оғирлик қилмаслиги мақсадга мувофиқдир [5-79].

XX асрда араб тили янги илмий уйғониш даврини бошидан кечирди. Бу даврда турли давлатларда (Қоҳира, Дамашк, Иордания, Ироқ) араб тили академиялари ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаси атамаларни бирлаштириш (унификация) ва тилни замонавий илм-фанга мослаштириш бўлди. Масалан, Ироқдаги илмий кенгаш қарорига кўра, атама яратишда арабча асл сўзларга устуворлик берилиши, зарурат бўлмаса четдан сўз олмаслик ва атаманинг қисқа ҳамда талаффузга қулай бўлиши шарт қилиб белгиланган.

Араб тилшунослигидаги атамалар тизимли равишда, тилнинг ички имкониятлари, яъни юқорида келтирилган пунктлардан унумли фойдаланган ҳолда ривожланиб келган. Бу жараён араб тилининг нафақат адабиёт йўналишида, балки исломнинг илк давларидан бошлаб илм ва тафаккур тили бўлганини исботлайди. Араб тилидаги атамашуносликни шундай тасаввур қилиш мумкин: бу худди қадимий ва мустаҳкам пойдеворга (луғатга) эга бўлган бинога ўхшайди; унинг меъморлари (олимлар) вақт ўтиши билан янги қаватларни (атамаларни) тилнинг ўз материалидан қуриб, уни доимий равишда кенгайтириб борадилар.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, атамашунослик араб тилининг сарф ва наҳв каби асосий фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни мукаммал ўзлаштириш атамаларнинг тузилиши, келиб чиқиши ва семантик чегараларини аниқ билишни талаб қилади. Қуръони карим ва исломий илмлар доирасида шаклланган дастлабки атамалар кейинчалик фикҳ, калом, наҳв ва бошқа фан соҳаларида илмий тушунчаларни ифодаловчи барқарор терминларга айланиб асослаб берилди. Шунингдек, араб тилида атама яратиш жараёнида иштиқоқ, қиёс, мажоз, таъриб, наҳт ва генерация каби усуллар самарали қўлланилгани аниқланди. XX асрда араб тили академиялари томонидан амалга оширилган унификация ишлари араб тилининг замонавий илм-фан талабларига мослашишида муҳим ўрин тутган. Умуман олганда, араб тилшунослигидаги атамалар тизими тилнинг ички имкониятларига таянган ҳолда изчил ривожланган бўлиб, бу араб тилининг асрлар давомида илм ва тафаккур тили сифатида юксак салоҳиятга эга эканини яққол намоён этади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. عبد الله البستاني. البستان. – بيروت. 1992. الجزء الأول. صفحة 1349.
2. أبو عثمان عمرو بن بحر الجاحظ/ تحقيق عبد السلام محمد هارون. الحيوان – القاهرة. 1938. الجزء الأول. صفحة 3919.

3. أبو عبد الله محمد بن أحمد بن يوسف الخوارزمي. مفاتيح العلوم. – القاهرة. 1342هـ. صفحة 154.
4. أبو الفتح عثمان بن جني / تحقيق محمد علي النجار. الخصائص – القاهرة. 1952. الجزء الثاني. صفحة 928.
5. الدكتور حسن ظاظا. كلام العرب / من قضايا اللغة العربية – الإسكندرية. 1971. صفحة 219.